

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 108-ҳадис

108 – وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «لَا يَتَنَاجَى اثْنَانِ دُونَ وَاحِدٍ».

مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни: **«Бир кишини қолдириб, икки киши гаплашмасин», деб айтганларини эшитдим»,** дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ислom инсонлар ўртасида адоват ва нафрат келиб чиқмаслигини истайди. Шу сабаб, мусулмонлар орасида шубҳа-гумонга олиб келувчи нарсалардан қайтаради, тўсқинлик қилади. Ишончсизлик келтириб чиқарадиган нарсалардан бири шуки, икки киши ўзаро гаплашаётганда учинчи кишини якка қолдириб, алоҳида гаплашиш, четга ўтиб олиб, пичирлашишдир. Агар учинчи кишини якка қолса, шайтон фурсатни ғанимат билиб, унга ёмон шубҳа гумонларни васваса қилиш аниқдир. Шунинг учун биз мусулмонлар бундай ҳолат бўлишига йўл қўймаслигимиз шарт бўлади.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Ислom мусулмонларнинг қалбан соғлом бўлишига эътибор қаратади.
2. Ислom учинчи кишини қолдириб, икки кишини пичирлашиб гаплашишини ман этади.
3. Ислom мўмин қалбларга васваса ва ёмон гумонни киритмаслик учун шайтон қаршисидаги эшикларни ёпади, йўл бермайди.
4. Махфий гаплашиш деганда, учинчи киши эшитмайдиган даражада ёки тушунмайдиган ҳолатда гаплашиш ёки бошқа у тушунмайдиган тил орқали гаплашиши тушунилади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI